



26.01.2022 даги

Филиал НКЭИС "Ўзбекинвест" в Сырдарьинском областе ва Жиззах бош насос станцияси бошкармаси  
ўртасида 2070000,00 сўм умумий суммага тузилган 11-12/09611137656 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб 170  
Шахсий ғазна ҳисобварақ 100010860082207042402170003

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда Жами
	4821190			
Январь	2 070 000,00			2 070 000,00
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>2 070 000,00</b>			<b>2 070 000,00</b>

Жами 2070000,00 сўм

Икки миллион етмиш минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 2070000,00 сўм ёки 100,00%\*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
\_\_\_\_\_ % \*\*\*20 \_\_\_\_\_ ойда тўланиши лозим.

(\* ) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойдаги \_\_\_\_\_% жорий ойнинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.У.

(имзо)

Кулатов Анорбой Қаршибоевич

Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Имамов Жаҳонгир Холдарович

Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

\_\_\_\_\_ (имзо)

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

\_\_\_\_\_ (имзо)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.



UZBEKINVEST	Автотранспорт воситасига ўрнатилган газ балони ускунасини суғурталаш қоидалари	RD-95_K8_K9_K13Uz
GK 23		Бет. 15 дан 1 Сана: 10.06.2016 й.

**“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУГУРТА КОМПАНИЯСИНING АВТОТРАНСПОРТ  
ВОСИТАСИГА ЎРНАТИЛГАН ГАЗ БАЛОНИ УСКУНАСINI СУГУРТА ҚИЛИШ  
ШАРТНОМАСИ № 11-12/09611137656**

Гулистон ш.

2022й «26» *сентябрь*

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 11 декабрдаги SF №00006-сонли лицензияга мувофиқ фаолият кўрсатувчи, кейинги ўринларда «Компания» деб аталувчи «Ўзбекинвест» экспорт-импорт суғурта компанияси АЖ номидан «Ўзбекинвест» ЭИСК АЖнинг Филиал тўғрисидаги низоми ҳамда 2022 й. «05» январдаги №01/5-сонли Бош ишончнома асосида иш юритувчи Компаниянинг Сирдарё вилоятидаги филиали Директори У.Орипов бир томондан ва кейинги ўринларда «Суғурталанувчи» деб аталувчи **Жиззах Бош насос станцияси бошқармаси** номидан Низом асосида иш юритувчи **А.К.Кулатов** бошқа томондан ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

**I. БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1.1.** Мазкур “Автотранспорт воситасига ўрнатилган газ балони ускунасини суғурталаш Қоидалари” (**бундан кейин матн бўйича - “Қоидалар” деб юритилади**). Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳамда Суғурталаш қоидалари 8, 9 ва 13-классларига асосан ишлаб чиқилган.

**1.2.** Мазкур Қоидалар асосида “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси (**кейинги ўринларда “Компания” деб аталади**) Суғурталанувчиларга мазкур Қоидаларни илова қилган ҳолда суғурта полисини бериш орқали ихтиёрий суғурта шартномасини тузади.

**1.3.** Суғурта полисини расмийлаштиришда мазкур Қоидаларни берилиши Суғурталанувчининг Суғурта полисидаги имзоси билан тасдиқланади.

**1.4.** Мазкур Қоидаларда кўрсатиб ўтилмаган шартлар, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

**1.5.** Суғурталанувчи томонидан ёзма шаклда берилган ариза-сўровнома асосида суғурта амалга оширилади.

**II. БЎЛИМ. ТАЪРИФЛАР**

**2.1.** Мазкур Қоидаларда фойдаланилган асосий атамалар:

**Суғурталанувчи** - Компания билан суғурта масалаларида юридик ва молиявий муносабатларга кирувчи ва суғурта мукофотини тўлайдиган, Суғурталанган автотранспорт воситасига ўрнатилган газ балони ускунаси эгасининг фойдасига суғурталашни амалга оширувчи лаёқатли шахс.

**Суғурта полиси** - ҳақиқатда суғурта Шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи, Суғурталанувчига суғурта мукофоти тўлангандан кейин бериладиган ҳужжат. Суғурта полиси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади.

**Суғурта суммаси** - мазкур Қоидалар билан аниқланган ва Суғурта полисида кўрсатиб ўтилган ҳар бир суғурта ходисаси бўйича пул маблағлари суммаси бўлиб, Компания унинг доирасида Суғурталанувчига/Наф олувчига ёки жабр кўрган шахсларга суғурта копламасини тўлаб беради.

**Суғурта мукофоти** - мазкур Қоидаларда кўрсатилган тартиб ва муддатларда Суғурталанувчи Компанияга суғурта учун тўлаши шарт бўлган пул маблағлари.

**Суғурта копламаси** - мазкур Қоидалар шартларига асосан, суғурта ходисаси рўй берганда Суғурталанувчига/Наф олувчига ёки жабр кўрган шахсларга Компания томонидан тўланадиган пул маблағлари.

**Франшиза (шартсиз)** - Суғурта қилдирувчи кўрган зарарининг Суғурталовчи томонидан ҳар бир суғурта ходисаси бўйича копланмайдиган қисми.

**“Автотранспорт воситасига ўрнатилган газ балони ускунасини суғурталаш” шартномаси (Шартнома)** – Компания ва Суғурталанувчи ўртасидаги келишув. Шартнома Суғурталанувчи (Суғурталанган автотранспорт воситасига ўрнатилган ГБУ эгаси)/Наф олувчи ёки жабр кўрувчининг (учинчи шахслар) ва (ёки) Наф олувчиларнинг фойдасига, ушбу Қоидалар ва Суғурта полисини бериш йўли билан тузилади.

**Наф олувчи** - Суғурталанувчи томонидан белгиланган, мазкур Қоидалар 5.2.1. шартлари асосида суғурта копламасини олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

**Автотранспорт воситаси (кейинги ўринларда “АТВ” деб юритилади)** - Суғурта полисида кўрсатилган, суғурталанган газ балони ускунаси ўрнатилган, йўлларда одамларни, юкларни, багажларни ёки унга ўрнатилган ускуналарни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаси.

**Газ балони ускунаси (кейинги ўринларда “ГБУ” деб юритилади)** - Суғурта полисида кўрсатиб ўтилган, автотранспорт воситасига қўшимча ўрнатилган ёки ишлаб чиқарувчи қорхонанинг автотранспорт воситаси комплекциясига кирувчи суғурталанган газ балони ускунаси.

**Шартсиз франшиза** - мазкур суғурта Қоидалари шартларида кўзда тутилган Суғурталанувчи зарарининг бир қисми бўлиб, Компания зарарларни қоплашга доир талабларни кўриб чикмайди.

**Суғурта даври** – Суғуртанинг амал қилиш даври, Суғурта полиси ушбу давр ичида амал қилади. Суғурта даврида содир бўлган Суғурта ходисалари бўйича Компания мажбурият олиб боради. Мазкур Қоидаларга асосан суғурта даври бир йилни ташкил этади.

**Суғурта ходисаси** – мазкур суғурта Қоидалари 5.2. бандида кўзда тутилган, суғурта даврида суғурта ходисаси юз бериши натижасида Компаниянинг Суғурталанувчига/Наф олувчига ёки зарар кўрган шахсларга суғурта копламасини тўлаш мажбуриятининг юзага келиши.

**ГБУнинг нобуд бўлиши (йўқотилиши)**- газ балони ускунасини тиклаш учун кетадиган сарф-ҳаражатлар газ балони ускунаси қийматига тенг бўлиши ёки қийматидан ошиб кетиши.

**Ҳайдовчи** - тегишли тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлган, автотранспорт воситасини бошқаришга ҳуқуқи бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан расмийлаштирилган Суғурталанувчи (автотранспорт воситасининг эгаси)нинг ёзма рухсати бўлган жисмоний шахс.

**Йўл-транспорт ходисаси (кейинги ўринларда “ЙТХ” деб юритилади)** - автотранспорт воситаси билан йўл ҳаракати иштирокчиси сифатида содир бўлган воқеалар (тўқнашув, ағдарилиш, қулаш, урилиш ва бошқалар) ва унинг



иштирокида автотранспорт воситасининг ҳаракатда бўлганлиги ёки бўлмаганлигидан қаътий назар, учинчи шахслар ҳаётига ва (ёки) соғлиғига, ёхуд автотранспорт воситалари иншоотларга, юкларга шикаст етказиши ёки бошқа мулккий зарар етиши.

**Табийй офатлар** – хавфли ва табиий гидрометеорологик ҳодисалар: сув тошқини, бўрон, довул, жала, дўл, оғир қор ёғиши, кўчки, сель, тупрокнинг чўкиши, ер силжиши, ер ости суви таъсири, яшин уриши, зилзила ва бошқалар.

**Ёнгин** – ёнгин манбаидан ташқарида юзага келадиган ва беихтиёр тарқалиш хусусиятига эга очик олов.

**Портлаш** – газ ёки буғларнинг кенгайишга интилишига асосланган катта миқдордаги энергиянинг шиддат билан отилиб чиқиши.

**Жихозлар (предметлар)нинг тегиши** – суғурталанган автотранспорт воситасига ўрнатилган ГБУга барча турдаги жихозлар (предметлар)нинг қўлаши ёки тегиши ва (ёки) хайвонлар ҳаракати (тегиши, босиши) таъсирида зарар етказилиши;

**Учинчи шахсларнинг конунга зид хатти-ҳаракатлари** – учинчи шахслар қасддан қилинган хатти-ҳаракатлари (ўғрилиқ, талон-тарож, тамағирлик ва босқинчилик бундан мустасно);

**Учинчи шахслар (зарар кўрганлар)** - Суғурталанган ГБУ эксплуатация қилиш даврида ҳар қандай учинчи шахслар ҳаётига ва (ёки) соғлиғига (Суғурталанувчи/Наф олувчи унинг қариндошлари ва ходимлари, ҳайдовчидан ташқари) жароҳат ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилиши.

**Жароҳат** – ташқи омиллар таъсирида организмга жисмоний зарар етиши (учинчи шахслар организми бутунлигининг бузилиши). Жароҳатлар 3 хил энгил, ўрта ва оғир даражасига бўлинади (*жароҳат даражаси тиббиёт мутахассиси томонидан аниқланади ва касаллик тарихи кўчирмасида кўрсатилади*):

- **енгил жароҳат**, олти кундан кўп бўлган, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган киска даврга соғлиғини ёмонлашуви ёки меҳнат қобилиятининг киска даврга йўқотилиши;

- **ўрта жароҳат**, ҳаёт учун хавфли бўлмаган, йигирма бир кундан кўп, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда меҳнат қобилиятининг йўқотилиши ёки барқарор меҳнат қобилиятининг қисман йўқотилиши;

- **оғир жароҳат**, бемор ҳаётига хавф солувчи, сўзлашиш, эшитиш ва кўриш қобилиятининг йўқотилиши, органларининг йўқотилиши ёки қайсидир орган функциясининг бузилиши, юз қисмининг хунуклигини ўзгартиролмастик, соғлиқнинг бузилиши ва касбий маҳоратини тўлиқ йўқотилиши, жароҳат натижасида хомилдорликнинг узилиши, рухий бузилишнинг келиб чиқиши ва меҳнат қобилиятининг йўқотилиши.

**Зарар** - Суғурталанувчи/Наф олувчи ёки зарар кўрган шахсларнинг мол-мулкига ёки ҳаёти, соғлиғига етказилган зарарни қоплаш учун амалга оширилган ёки амалга ошириши керак бўлган харажатлар.

**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси шартномаси - (кейинги ўринларда “ТВЭФЖМС шартномаси” деб юритилади)** - “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли Қарори билан тасдиқланган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Қоидалари томонидан белгиланган шартлар асосида тузилган суғурта шартномаси.

**Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома** - Компания томонидан суғурта ҳодисаси ҳақиқатда содир бўлганлигини тасдиқлаш ва суғурта қопламаси миқдорини аниқлаш учун тузиладиган ҳужжат (далолатнома), ушбу ҳужжат Компания, Суғурталанувчи ёки унинг томонидан белгиланган вакиллар, шунингдек суғурта тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар томонидан имзоланаши мумкин.

**Форс-мажор** - Суғурта полиси ва мазкур Қоидалар шартлари тўлиқ ёки қисман бажарилмай қолишига олиб келиши мумкин бўлган фавқулотда, ақлий тадбирлар билан олдини олиб бўлмайдиган, Суғурта полиси томонларининг хоҳиш иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолат.

### Ш.БЎЛИМ. СУГУРТА СУБЪЕКТЛАРИ

**3.1.** Мазкур Қоидалар бўйича суғурта субъектлари бўлиб Компания, Суғурталанувчи, Наф олувчи ва зарар кўрганлар ҳисобланади.

**3.2.** Суғурталанувчи ариза-сўровномада Наф олувчи сифатида қонунчиликда ёки шартномада асосланган АТВга ўрнатилган қўшимча усқунани бут бўлишидан манфаатдор бўлган бошқа жисмоний шахсни ва (ёки) юридик шахсни кўрсатиши мумкин.

### IV.БЎЛИМ. СУГУРТА ОБЪЕКТЛАРИ

**4.1.** Мазкур Қоидаларга мувофиқ Суғурталанувчининг/Наф олувчининг ва уларнинг ходимларининг, ҳайдовчи, жабр кўрган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган, қуйидагилар билан боғлиқ мулккий манфаатлари, яъни ЙТХ, учинчи шахсларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари, ГБУнинг ёниб кетиши ва (ёки) портлаши, табиий офат ёки жихозлар (предметлар)нинг тегиши натижасида ГБУ нобуд бўлганда (йўқотилиши) ҳамда ГБУни эксплуатация қилиш натижасида учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарни қонунчиликга асосан қоплаб бериш мажбурияти суғурта объектидир.

### V.БЎЛИМ. СУГУРТА ҚОПЛАМАЛАРИ ВА СУГУРТА ҲОДИСАЛАРИ

**5.1.** Компания Суғурталанувчи/Наф олувчи ёки жабр кўрувчининг, суғурта қопламаси олишга қонуний ҳуқуқга эга шахсларнинг мазкур Қоидаларнинг 5.2 бандида кўзда тутилган суғурта ҳодисаси содир бўлиши натижасида Суғурталанувчи/Наф олувчи ёки зарар кўрган шахснинг банкдаги ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиб бериш орқали суғурта полисида кўрсатиб ўтилган суғурта суммаси миқдоридан мулккий манфаатларини суғурта ҳимоясига олади.

**5.2.** Қуйидагилар суғурта ҳодисалари ҳисобланади:

**5.2.1.** Суғурта даврида суғурта полисида кўрсатилган ҳудудда содир бўлган ЙТХ, учинчи шахсларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари, ГБУнинг ёниб кетиши ва (ёки) портлаши ҳамда табиий офат ёки жихозлар (предметлар)нинг тегиши натижасида ГБУни нобуд бўлиши (йўқотилиши) билан Компаниянинг Суғурталанувчи/Наф олувчига суғурта қопламасини тўлаб бериш мажбуриятини юзага келиши.

**5.2.2.** Суғурталанувчи/ҳайдовчининг суғурта даврида, суғурта полисида кўрсатилган ҳудудда ГБУнинг эксплуатация қилиш даврида учинчи шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилганда фуқаролик жавобгарлигини юзага келиши билан Компаниянинг учинчи шахсларга суғурта қопламасини тўлаб бериш мажбуриятини юзага келиши.



<b>UZBEKINVEST</b>	<b>Автотранспорт воситасига ўрнатилган газ балони ускунасини суғурталаш қоидалари</b>	<b>RD-95_K8_K9_K13Uz</b>
<b>GK 23</b>		Бет. 15 дан 1 Сана: 10.06.2016 й.

5.2.3. Суғурталанувчи/Наф оловчи мазкур Қоидаларнинг 5.2.1 ва 5.2.2 бандларида кўрсатиб ўтилган қалтисликларни ёки уларнинг бирини танлаш ҳуқуқига эга.

#### **VI. БЎЛИМ. СУГУРТА СУММАСИ ВА СУГУРТА МУКОФОТИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

6.1. Ушбу Шартномага мувофиқ суғурта мукофоти **2 070 000.00 (Икки миллион етмиш минг) сўм 00 тийинни** ташкил этади.

6.2. Компания суғурта мукофотини белгилаш вақтида қалтислик даражасини ва (ёки) аввалги суғурта даврида тўланган зарарларни ва (ёки) бошқа омилларни инобатга олиб тасдиқланган асосий суғурта тарифларига юқори ёки паст коэффициентларни қўллаши мумкин.

6.3. Суғурта мукофоти Суғурталанувчи томонидан ягона тўлов билан суғурта полиси берилган бир вақтда ёки берилишидан олдин тўланади.

Суғурталанувчи суғурта мукофотини тўлаши билан суғурта полиси асли ва ушбу Қоидалар нусхасини олганлигини тасдиқлаши лозим, ҳужжатлар тасдиқланганлиги Қоидаларнинг барча шартларига розилигини билдиради.

#### **VII. БЎЛИМ. СУГУРТА ПОЛИСИНИ БЕРИШ, УНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА ТЎХТАТИЛИШИ**

7.1. Суғурта полиси Суғурталанувчи томонидан белгиланган шаклга асосан берилган ариза-сўровнома асосида, Суғурталанувчи томонидан суғурта мукофотини тўлаганидан кейин берилади. Суғурталаш даври суғурта полисида кўрсатилган бўлиб, бир йил муддатга белгиланади.

7.2. Суғурталанувчи ариза-сўровнома билан Компанияга унинг талабига кўра зарур ҳужжатлар нусхаларини тақдим этиши шарт.

7.3. Суғурта шартномасини тузиш вақтида Суғурталанувчи Компанияга ГБУ суғуртаси билан боғлиқ қалтислик даражасини аниқлаш учун муҳим бўлган ва унга маълум бўлган барча тавсилотларни маълум қилиши шарт.

7.4. Суғурта шартномаси суғурталанаётган ГБУни мажбурий равишда кўриб чиқиши ва тегишли органларнинг ўрнатилган тартибдаги техник ҳужжатлари ўрганиб чиқиши асосида тузилади.

7.5. Суғурталанувчи ва Компания ўртасида суғурта шартномасини тузишда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 929 моддасида кўрсатиб ўтилган шартлар бўйича келишувга эришилиши лозим.

7.6. Компания ва Суғурталанувчи агар амалдаги Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига зид бўлмаса суғурта шартномаси тузиш даврида мазкур Қоидаларнинг айрим бўлимларига ўзгартириш ва қўшимча қилиш ёки чиқариб ташлашлари мумкин.

7.7. Агар суғурта шартномасида бошқа муддат кўзда тутилмаган бўлса, Суғурта полиси суғурта мукофоти Компания ҳисоб рақамига келиб тушган кундан бошлаб 3 (уч) кун ичида берилади.

7.8. Суғурта шартномасининг амал қилиш даври Суғурта полисида кўрсатилган амал қилиш даври тугаш кунининг соат 24-00 бўлиши билан тугайди.

7.9. Суғурта полиси бўйича Компаниянинг мажбурияти суғурта мукофоти тўланган вақтдан бошланади.

7.10. Суғурта қалтислигини ошишига олиб келувчи ҳолатлар тўғрисида маълумотга эга бўлганда Компания Суғурта полиси шартларини ўзгартириши ёки қалтисликни ошишига мутаносиб қўшимча суғурта мукофотини тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар Суғурталанувчи (Наф оловчи) суғурта шартномасини ўзгартиришга ёки қўшимча суғурта мукофотини тўлашдан бош тортса ёки эътироз билдирса, Компания суғурта шартномасини бекор қилиш ва суғурта шартномасини бекор қилинишидан кўриладиган зарарларни қоплаб берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

7.11. Суғурта полиси амалда бўлган даврда Суғурта полиси йўқотилган тақдирда Суғурталанувчининг ёзма аризасига кўра полисининг дубликати берилади.

7.12. Мазкур Қоидаларга мувофиқ амалга оширилаётган суғурта шартномаси қуйидаги ҳолларда:

7.12.1. амал қилиш даври тугаганда;

7.12.2. Компания тўла ҳажмда ўз мажбуриятларини бажарганда;

7.12.3. Суғурталанувчи томонидан мазкур Қоидаларда кўзда тутилган мажбуриятлар бажарилмаганда;

7.12.4. Томонлар келишуви билан (агар томонлар суғурта шартномасини олдиндан бекор қилмоқчи бўлсалар, улар мўлжалланган кундан 30 (ўттиз) кундан кам бўлмаган муддатда ёзма хабардор қилишлари шарт);

7.12.5. Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунида белгиланган тартибда Компания тугатилганда (ликвидация қилинганда);

7.12.6. Суғурта шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган барча ҳолларда (Суғурталанувчи Суғурта полисини, унинг амал қилиш муддати тугаши билан Компанияга қайтариши шарт);

7.12.7. Суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида Суғурталанувчи ёзма ариза берганда;

7.12.8. Компания Суғурталанувчи томонидан ушбу Қоидаларда кўзда тутилган мажбуриятларини бажармаганлиги тўғрисида ёзма хабарнома берганда;

7.12.9. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатлари ва ушбу Қоидаларда кўрсатилган бошқа ҳолларда ўз кучини йўқотади.

7.13. Компания ўз мажбуриятларини бузган ҳолатда, Суғурталанувчи талабига кўра Суғурта шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда, тўланган Суғурта мукофоти тўлиқ ҳажмда қайтарилади.

7.14. Суғурта шартномаси Суғурталанувчининг аризасига кўра бекор қилинганда (Компания ўз мажбуриятларини бузмаган ҳолатда) тўланган суғурта мукофоти суғурта даврининг қолган муддатига мутаносиб равишда Компания харажатларини чегириб қолган ҳолда қайтарилади.

Агар, Суғурта шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган пайтда Компания суғурта қопламасини тўлаган бўлса, Суғурта мукофоти қайтарилмайди.

7.15. Суғурталанувчи ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Компания талабига кўра Суғурта шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда, тўланган Суғурта мукофоти қайтарилмайди.

#### **VIII. БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

##### **8.1. Компаниянинг ҳуқуқлари:**



UZBEKINVEST	Автотранспорт воситасига ўрнатилган газ балони ускунасини суғурталаш қоидалари	RD-95_K8_K9_K13Uz
GK 23		Бет. 15 дан 1 Сана: 10.06.2016 й.

8.1.1. ариза-сўровномада кўрсатиб ўтилган шартлар асосида ГБУ ҳолатини текшириши;

8.1.2. Суғурталанувчи томонидан тақдим этилган маълумотларни, шунингдек Суғурталанувчининг мазкур Қоидалар шартлари ва талабларини бажариллигини текшириши;

8.1.3. Суғурталанувчи томонидан мазкур Қоидалар шартларининг маълум қисми ёки тўлиқ бажарилмаганда, Суғурталанувчига мажбуриятини бажармаганлиги сабабларини ёзма билдирган ҳолда Компания ўз мажбуриятларини бажаришни рад қилиши;

8.1.4. қалтислик даражасини ўзгариши муносабати билан Суғурта полисига ўзгартиришлар киритиши ва қўшимчалар қилиши ёки қўшимча суғурта мукофотини тўлашни талаб этиши;

8.1.5. Суғурталанувчи/Наф олувчи мазкур Қоидалар ва Суғурта полиси бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганда ёки қисман бажармаганда, шунингдек содир бўлган суғурта ҳодисаси юз бериши сабабларини ва оқибатларини ўрганишга тўққинлик қилган ҳолатларда суғурта қопламасини тўлашни рад этиши;

8.1.6. суғурта ҳодисаси билан боғлиқ маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан ёки ҳодисанинг юзага келиш шароитлари тўғрисида маълумотга эга бошқа ташкилот ва муассасалардан, Суғурталанувчининг розилигисиз, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда сўраши;

#### **8.2. Компаниянинг мажбурияти:**

8.2.1. Шартнома ижроси бўйича Суғурталанувчи/Суғурталанган шахсларга маълумотлар (маслаҳатлар) бериши;

8.2.2. Суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги тўғрисидаги Далолатномани имзолаш ва мазкур Қоидалар талаблари бўйича Суғурталанувчи томонидан барча керакли ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин Суғурталанувчига/Зарар қўрган шахсларга ёки Наф олувчига ўз вақтида суғурта қопламасини тўлаши;

8.2.3. Компания суғурта қопламасини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарорини (рад этиш сабабларининг асосланганлигини далил-исботларни ўз ичига олган ҳолда) Суғурталанувчига/Наф олувчига, улар томонидан Компанияга суғурта қопламасини олиш учун мурожаат этилган кундан бошлаб 15 (ўн беш) кундан кечиктирмай хабар қилади;

8.2.4. Суғурталанувчига Суғурта полиси билан бирга Қоидалар нухасини бериши ва уни ушбу Қоидалар билан таништириши;

8.2.5. Суғурталанувчи ёки Наф олувчи ва уларнинг мулкий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатларни истисно этган ҳолда, ошкор этмаслиги лозим.

#### **8.3. Суғурталанувчи ҳуқуқлари:**

8.3.1. Суғурталанадиган ГБУни мазкур Қоидаларнинг 5.2.1 ва 5.2.2 бандларида кўрсатиб ўтилган қалтисликларнинг бирини ўз ихтиёрига қўра танлаши;

8.3.2. Суғурта полиси йўқотилганда унинг дубликатини олиши;

8.3.3. Суғурта полисини мазкур Қоидалар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида бекор қилиши;

8.3.4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида Компания тўғрисидаги маълумотни олиши;

8.3.5. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда Компаниядан мазкур Қоидалар ва Суғурта полиси бўйича қабул қилинган мажбуриятларни қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда бажариллигини талаб қилиши мумкин.

#### **8.4. Суғурталанувчи мажбуриятлари:**

8.4.1. мазкур Қоидаларда белгиланган тартиб ва миқдорда ўз вақтида суғурта мукофотларини тўлаши;

8.4.2. Суғурта полиси тузиш вақтида, Компанияга унга маълум бўлган суғурта ҳодисаси рўй бериши эҳтимолини ва бўлиши мумкин бўлган зарарлар миқдорини аниқлашда аҳамиятга эга барча ҳолатларни маълум қилиши (агарда ушбу ҳолатлар Компанияга маълум бўлмаса);

8.4.3. Суғурта шартномасини (полисини) тузиш вақтида маълум бўлган ҳолатлар бўйича аҳамиятга эга ўзгаришлар, яъни ушбу ўзгаришлар суғурта қалтислигини ошириши аҳамиятга эканлиги маълум бўлиб қолган тақдирда дарҳол Компанияга хабар бериши;

8.4.4. 9.1. банд талаблари асосида Компанияни ўз вақтида содир бўлган ҳодисалар тўғрисида огоҳлантириши;

8.4.5. суғурталанган ГБУни эксплуатация қилиши ва хизмат кўрсатишни ўрнатилган қоидалар асосида амалга ошириши, шунингдек уни фақат белгиланган ишларда фойдаланиши;

8.4.6. суғурта ҳодисасини содир бўлишини олдини олиш мақсадида ундан талаб этиладиган барча чораларни қўриши, суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта ҳодисалари оқибатларини камайтириши мақсадида барча чораларни қўриши;

8.4.7. Компанияга зарарланган ГБУни ёки унинг қолдиқларини тақдим этиши ва Компаниянинг ёзма розилигисиз таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширмаслиги ва суғурталанган ГБУни қолдиқларини утилизация қилиши (Суғурталанувчи/Наф олувчи томонидан ёзма хабар берилганидан кейин 10 (ўн) кун ичида Компания томонидан эътироз бўлмаган тақдирда Компаниянинг розилиги олинган ҳисобланади);

8.4.8. Компанияга суғурта ҳодисаси содир бўлишига айбдор бўлган шахсга нисбатан тўланган суғурта қопламасини қайтариш бўйича барча ҳуқуқларни бериши лозим.

Мазкур Қоидаларга асосан Суғурталанувчининг мажбуриятлари бир хилда Наф олувчига ҳам тадбиқ этилади (агарда у суғурта қопламасини олиш ҳуқуқидан фойдаланиш мақсадида бўлса).

8.4.9. Суғурталанган ГБУдан фойдаланиш ҳуқуқига эга шахсларга мазкур Қоидалар шартларини етказиши шарт. Суғурталанувчи вакиллариининг мазкур Қоидалардан хабардор бўлмаслиги Компаниянинг суғурта қопламасини тўлаш мажбуриятини келтириб чиқармайди.

### **IX. БЎЛИМ. СУГУРТА ДАЪВОЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ТАРТИБГА ОЛИШ**

**9.1. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурталанувчи/Наф олувчининг мажбуриятлари:**

а) зарар қўрилганлиги маълум бўлганда суғурталанган ГБУни сақлаб қолиш ва бўлиши мумкин бўлган қўшимча зарарларни камайтириш учун дарҳол барча зарур чораларни қўриши;

б) тегишли ваколатли органларга зудлик билан хабар бериши;

в) Компания ёки унинг ваколатли вакилини 3 (уч) банк кунидан кечиктирмасдан барча мумкин бўлган йўллар билан (телефон, факс, телеграф ва бошқалар) хабардор қилиши ва 5 (беш) банк кунидан кечиктирмасдан воқеанинг батафсил тавсилотлари билан ўрнатилган шаклда ёзма аризани тақдим этиши;



г) Компания вакилига зарарланган ГБУни кўриб чиқиш учун тақдим этиши, агар Компания вакили текшириш учун бора олмаганда 10 (ўн) кун муддатда АТВнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлик раками, ГБУ, АТВ двигатели ва кузов ракамлари кўринган фотосурати ёки видео тасвирини Компанияга тақдим этиши керак.

Кўрсатилган талабларни бажарилмаслиги Компания томонидан суғурта ходисасини бўлганлигини тан олмасликка ва суғурта копламасини тўлаб берилишини рад этилишига асос бўлади.

**9.2.** Суғурталанувчи (Наф олувчи) Компанияга суғурта копламасини тўлаб бериш бўйича мурожаат қилганда куйидаги ҳужжатларни:

- суғурта копламасини тўлаб бериш бўйича аризани;

- Суғурта полисининг аслини;

- шахсни тасдиқловчи ҳужжатни (паспорт, гувоҳнома) тақдим этади.

**Шунингдек,**

а) ЙТХ, учинчи шахсларнинг қонунга зид ҳатти-ҳаракатлари натижасида ГБУ нобуд бўлганда (йўқотилганда) ҳамда ГБУ ёниб кетиши ва (ёки) портлаши натижасида нобуд бўлганда (йўқотилганда) куйидаги ҳужжатларни:

- тегишли мутасадди органлар вакилининг (йўл ҳаракати ҳафвсизлиги, ЙХХБ ва ИИБ) ходиса иштирокчилари ва тавсилотлари кўрсатилган баённинг асли ёки тасдиқланган нусхасини (қарор ёки маълумотнома);

- баҳолаш фаолиятини олиб бориш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлган эксперт ташкилотининг ГБУни тиклаш учун зарур бўладиган эҳтиёт қисмлар ва материаллар рўйхати кўрсатилган калькуляциянинг асли ёки тасдиқланган нусхасини;

- бўлиб ўтган ходиса бўйича ишлар судда кўриб чиқилган тақдирда, суд қарорининг асли ёки тасдиқланган нусхасини.

- ёнғин ҳафвсизлиги мутасадди органларининг вакиллари томонидан тузилган ходиса иштирокчилари ва тавсилотлари кўрсатилган баённинг асли ёки тасдиқланган нусхасини (қарор ёки маълумотнома) тақдим этиши лозим.

б) табиий офатлар ёки жихозлар (предметлар)нинг тегиши натижасида ГБУ зарарланганда куйидаги ҳужжатларни:

- АТВнинг ЙТХда катнашмаганлиги тўғрисидаги ЙХХБнинг маълумотномасини;

- баҳолаш фаолиятини олиб бориш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлган эксперт ташкилотининг ГБУни тиклаш учун зарур бўладиган эҳтиёт қисмлар ва материаллар рўйхати кўрсатилган калькуляциянинг асли ёки тасдиқланган нусхасини;

- гидрометмаркази маълумотномасини (табиий офат бўлганда) тақдим этиши лозим.

в) учинчи шахслар ҳаёти ва соғлиғига ва (ёки) уларнинг мол-мулкига зарар етганда куйидаги ҳужжатларни:

- суғурта полиси аслини;

- ваколатли органнинг қўшимча ускуна ўрнатилганлиги тўғрисидаги белгиси бўлган автотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (техпаспорт) нусхасини;

- ўрнатилган талабларга ГБУнинг мос келишинини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхасини (мувофиқлик сертификати ва бошқалар);

- ҳайдовчининг қўшимча ускунадан фойдаланиш қоидалари бўйича ҳақиқатда ўқиганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхасини (автотранспорт воситасини эксплуатация қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома ва бошқалар);

- суғурталанувчининг бўлиб ўтган воқеалар бўйича олган ҳужжатлари нусхасини (учинчи шахснинг даъво аризаси, хатлар, чакириқлар ва бошқалар);

- суғурта ходисасини содир бўлиши ҳолатларини текшириш ваколатига эга ваколатли органларнинг ҳужжатли тасдиғини (қарор, маълумотнома);

- зарур бўлганда учинчи шахснинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганда суд-тиббий экспертиза хулосаси нусхасини;

- учинчи шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- баҳолаш ташкилоти томонидан етказилган зарар (учинчи шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилганда) тўғрисида тузилган ҳисоботнинг аслини ёки суғурталанувчи томонидан зарар қўрганларга ушбу Қоидаларда кўрсатиб ўтилган жавобгарлик юзага келиши билан зарарларни қоплаб бериши тўғрисидаги қонуний кучга эга эканлигини тасдиқловчи суд қарорини тақдим этиши лозим.

**9.3.** Компания ҳолатдан келиб чиққан ва аниқлаштириш мақсадида қўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни сўраш ҳуқуқига эга (зарарланган ГБУ фотосуръати, автотранспорт воситаси техник паспорти нусхаси, паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси, бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончнома, мутасадди органлар маълумотномалари ва бошқалар).

Компания етарли асослар бўлган тақдирда 9.2. бандда кўрсатиб ўтилган барча ҳужжатларни олмасдан туриб ҳам қарор чиқариши мумкин.

**9.4.** Ушбу ҳолатга таълуқли барча ҳолатларни, маълумотлар ва ҳужжатларни ўрганиб чиққан ҳолда Компания содир бўлган ходисани суғурта ходисаси деб тан олиши ёки олмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади. Даъволарни кўриб чиқиш муддати Суғурталанувчи томонидан 9.2 бандда кўрсатилган, шунингдек Компаниянинг талабига асосан 15 (ўн беш) иш кун ичида ушбу ходисага боғлиқ барча зарур ҳужжат ва маълумотларни тақдим этилади.

**9.5.** Агар ходиса содир бўлишига сабабчи фактлар бўйича жиноий иш очилган бўлса ёки суд процесси бошланган бўлса, Компания суғурта ходисаси деб тан олиниши бўйича қарорини суриштирув ишлари ёки суд жараёнлари тугагунига қадар кечикитириш ҳуқуқига эга.

**9.6.** Компания томонидан содир бўлган ходиса суғурта ходисаси деб тан олинган тақдирда суғурта копламаси миқдори белгиланади ва Компания, Суғурталанувчи ва/ёки Наф олувчи ёки уларнинг вакиллари томонидан имзоланадиган суғурта ходисаси тўғрисида далолатномада имзоланади.

**9.7.** Компания куйидаги ҳолларда суғурта ходисаси содир бўлганлигини тан олмайди ва суғурта копламасини тўлаб бериш бўйича жавобгарлик олиб бормади:

а) агарда ходисалар Суғурта полиси кучга киргунича содир бўлган бўлса;

в) агарда ходисалари Суғурта полисининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг содир бўлса;

б) Суғурта полисида белгиланган франшиза миқдори доирасида;



UZBEKINVEST	Автотранспорт воситасига ўрнатилган газ балони ускунасини суғурталаш қоидалари	RD-95_K8_K9_K13Uz
GK 23		Бет. 15 дан 1 Сана: 10.06.2016 й.

г) амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатларда.

**9.8.** Компания томонидан суғурта қопламасини тўлаб бериш рад этилганда, Суғурталанувчи/Наф олувчи томонидан амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида Судга шикоят қилиниши мумкин.

#### **X. БЎЛИМ. СУГУРТА ҚОПЛАМАСИ МИҚДОРИ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

**10.1.** Суғурта қопламаси Компания томонидан суғурта ҳодисаси тўғрисидаги Далолатнома имзоланганидан сўнг 5 (беш) банк кун ичида тўлаб берилади.

**10.2.** Ушбу Қоидалар 5.2.1. ва 5.2.2. бандида кўрсатилаган суғурта ҳодисалари содир бўлганда суғурта қопламаси қуйидаги:

10.2.1. ЙТХ, учинчи шахсларнинг қонунга зид ҳатти-ҳаракатлари, ГБУнинг ёниб кетиши ва (ёки) портлаши натижасида ГБУ ёки унинг қисмлари зарарланганда суғурта қопламасини баҳоловчи эксперт (баҳолаш фаолиятини олиб бориш учун тегишли рухсатномага эга бўлган) ташкилотнинг калькуляцияси ва зарарни баҳолаш ҳисоботи асосида, шартсиз франшизани чегирган ҳолда, Суғурта полисида кўрсатилган суғурта суммасидан кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

10.2.2. Учинчи шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳамда мол-мулкига зарар етказилганда суғурта қопламаси қуйидаги:

- учинчи шахслар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганда, уларга суғурта полисида кўрсатиб ўтилган суғурта суммасининг 65 фоизи миқдориди, бунда  $65\% = 100\%$  га тенг деб олинади ва уларга етган жароҳат даражасига қараб суғурта суммасидан, енгил жароҳат учун 20%, ўрта жароҳат учун 40% ва оғир жароҳат учун 70% миқдориди ёки вафот этганда 100% миқдориди тўланади. Агар бир нечта шахслар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганда, суғурта полисида кўрсатиб ўтилган суғурта суммаси миқдориди ҳар бир шахсга (ёки уларнинг меросхўрига) уларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар даражасига қараб мутаносиб равишда тўланади;

- уларнинг мол-мулкига зарар етказилганда суғурта суммасининг 35 фоизи миқдориди тўланади. Агар, бир нечта шахслар мол-мулкига зарар етказилганда суғурта полисида кўрсатиб ўтилган суғурта суммасидан ҳар бир шахсга (ёки уларнинг меросхўрига) уларнинг мол-мулкига зарар етказилган зарар даражасига қараб мутаносиб равишда тўланади.

Мажбурий ва ихтиёрий (ушбу Қоидалар асосида) суғурта шартномаси бўйича мол-мулкка етказилган зарар учун суғурта товони тўлаш юзасидан суғурталовчиларнинг мажбуриятлари пайдо бўлган тақдирда, биринчи навбатда мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта товони тўланади, мол-мулкка етказилган зарарнинг тўланмаган қисми ихтиёрий суғурта шартномаси бўйича қопланади. Бунда мажбурий ва ихтиёрий суғурта бўйича тўланган суғурта товонининг умумий суммаси жабрланувчининг мол-мулкига етказилган ҳақиқий зарардан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

**10.3.** Агар, суғурта суммаси ГБУнинг суғурта қийматидан кам суммада белгиланган бўлса, у ҳолда суғурта қопламаси суғурта қийматига мутаносиб равишда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 936 моддаси “Тўлик бўлмаган мулк суғуртаси” асосида амалга оширилади.

**10.4.** Суғурта қопламаси олувчига, унинг томонидан кўрсатилган банкдаги ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиб бериш орқали амалга оширилади.

**10.5.** Агар суғурта суммасини тиклаш учун қўшимча суғурта мукофоти тўланмаган бўлса, Компания томонидан зарарни қоплаш учун амалга оширилган ҳар бир тўлов, Компания мажбуриятларини (суғурта суммасини) мазкур бўлим бўйича тўланган тўловлар миқдорига қамайтирилади.

#### **XI. БЎЛИМ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР**

**11.1.** Мазкур Қоидалар бўйича қуйидагилар натижасида содир бўлган ҳодисалар суғурта ҳодисалари деб ҳисобланмайди:

а) ядро портлашининг таъсирида радиация чиқиши ёки радиоактив зарарланиши;

б) ҳарбий ҳаракатлар, маневрлар ёки ҳарбий тадбирлар, фуқаролик урушлари, ҳар турдаги халқ ғалаёнлари ва иш ташлашлари;

в) суғурталанган ГБУни давлат органларининг топшириғига биноан олиб қўйилиши, мусодара, реквизиция қилиниши, йўқ қилиниши;

г) АТВни ҳайдашга ўргатиш, спорт мусобақаларида иштирок этиш, синовларда ёки ариза сўровномада кўрсатиб ўтилган мақсадлардан ташқари мақсадларда фойдаланиши;

д) портлаш хавфи бўлган, ўз-ўзидан ёниш хусусиятига эга моддалар ва предметларни ташиш ва/ёки ортиш қоидаларининг бузилиши;

е) Суғурталанувчи томонидан суғурта даврида АТВдан (ГБУ ўрнатилган) фойдаланишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларини бузган тақдирда.

#### **XII. БЎЛИМ. ТОМОНЛАР МАЪСУЛИЯТИ**

**12.1.** Ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**12.2.** Суғурталанувчи/Наф олувчи суғурта мукофотини ўз вақтида тўламаса, Компанияга тўлаш муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўланмаган суғурта мукофотининг 0,2 фоизи миқдориди, лекин тўлаш муддати ўтиб кетган сумманинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди. Пеня тўлаш Суғурталанувчини суғурта мукофотини ёки навбатдаги бадални тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

**12.3.** Компания тўланиши лозим бўлган суғурта қопламасини тўлаш муддатини ўтказиб юборгани учун тўлаш муддати ўтиб кетган ҳар бир кун учун тўланмаган суғурта суммасининг 0,2 фоизи миқдориди, лекин ушбу Шартномага кўра тўланиши керак бўлган сумманинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда жарима тўлайди. Жарима тўлаш Компанияни суғурта қопламасини тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

**12.4.** Ушбу шартномада келишилган мажбуриятларни бажаришдан асоссиз равишда батамом ёки қисман бош торганлиги учун ўз мажбуриятларини бузган томон бошқа томонга тўлашни рад этган ёки бош торган сумманинг 15 фоизи миқдориди жарима тўлайди.



UZBEKINVEST	Автотранспорт воситасига ўрнатилган газ балони ускунасини суғурталаш қоидалари	RD-95_K8_K9_K13Uz
GK 23		Бет. 15 дан 1 Сана: 10.06.2016 й.

### ХШ.БЎЛИМ. СУБРОГАЦИЯ

13.1. Суғурта копламасини тўлаган Компанияга, у томонидан тўланган суғурта суммаси микдориди Суғурталанувчи (Наф олувчи) зарар келтирган шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи ўтади.

13.2. Суғурталанувчи (Наф олувчи) суғурта копламасини олаётганда Компанияга барча зарур ҳужжатларни бериши ва Компания суғурта ходисаси рўй беришига айбдор бўлган шахсга нисбатан қайта талабни (регресс) қўйиш ҳуқуқига эга.

13.3. Агарда Суғурталанувчи/Наф олувчи Компания томонидан коплама тўланган зарар бўйича масъул шахсга талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки ушбу талабни амалга ошириш Суғурталанувчи/Наф олувчи айби билан мумкин бўлмай қолганда, Компания суғурта копламасини тўлик ёки қисман тўлашдан озод этилади ва ортиқча тўланган суғурта копламаси тўловини қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### XIV. БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

14.1. Агар, суғурта шартномаси амал қилиш даври ва уни тузиш вақтида Суғурталанувчи (жисмоний шахс) фуқаролик лаёқатига эга бўлмаган ёки қисман эга бўлган ва/ёки ўзининг ҳатти-ҳаракатларига жавоб бера олмайдиган бўлса тузилган суғурта шартномаси қонуний деб ҳисобланмайди.

14.2. Агар, суғурта шартномаси тузилганидан кейин Суғурталанувчининг Компанияга олдиндан аён бўлган, суғурта ходисаси рўй бериши эҳтимолини аниқлаш имконини берадиган ҳолатлар бўйича ёлғон маълумот берганлиги аниқланганда, Компания Суғурта полисини ноқонуний деб топиши ва амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чораларни қўллаш ҳуқуқига эга.

14.3. Суғурта шартномаси мазкур Қоидалар талабларидан фарқ қиладиган шартларда тузилган тақдирда, суғурта шартномасида кўрсатилган шартлар устуңлиқга эга бўлади.

### XV. БЎЛИМ. БАҲСЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу шартномада назарда тутилган ёки у билан боғлиқ масалалар бўйича баҳслар, талаблар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда томонлар уларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилиш чораларини кўрадилар.

15.2. Агар томонларнинг ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини бажара олмасликларига енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) сабаб бўлса, томонлар жавобгарликдан озод бўладилар. Енгиб бўлмайдиган куч таъсирида бўлган томон бошқа томонни ана шундай ҳолат юзага келгани ва унинг таъсири қанча давом этиши мумкинлиги ҳақида зудлик билан хабардор қилиши шарт.

15.3. Ушбу шартномадан келиб чиқувчи ёки у билан боғлиқ, шу жумладан унинг бажарилиши, бузилиши, тўхтатилиши ёки ҳақиқий эмаслигига тааллуқли баҳсларни, келишмовчиликларни ёки талабларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилишнинг имкони бўлмаганда улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

Компания номидан:  
«Ўзбекинвест» ЭИСК АЖ  
Сирдарё вилоят филиали  
Манзил: Гулистон шаҳар  
Хондамир кўчаси 41 уй  
тел: 67 236 01 04  
х/р: 20216000104348387001  
Банк коди: 00363 СТИР: 204420442

Суғурталанувчи:  
Жиззах Бош насос станцияси бошқармаси  
Манзил: Зарфшор тумани Бўстон ш.  
тел: 72-512-14-04 факс: 72-512-12-76  
х/р 23402000300100001010  
Банк коди 00014 СТИР: 302580489  
МБББ ХККВ Тошкент шаҳар  
ш.қ/р. 100010860082207042402170003

### ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:



Филиал директори  
У.Орипов

М.ў.



Директор  
А.К.Кулатов

*(Handwritten signature)*



## СПЕЦИФИКАЦИЯ

T/P	Транспорт воситалари	Давлат раками	Суғурта мукофоти (сўмда)	Суғурта суммаси	Газ баллон сони
1	Нсксия	20 113 QAA	30 000.00	10 000 000.00	1
2	GAZ-5327	20 994 CAA	210 000.00	37 000 000.00	7
3	GAZEL-3302	20 516 FAA	120 000.00	28 000 000.00	4
4	GAZ-5327	20 993 CAA	210 000.00	37 000 000.00	7
5	GAZ-5327	20 997 CAA	210 000.00	37 000 000.00	7
6	GAZ-5227	20 520 EAA	120 000.00	28 000 000.00	4
7	GAZ-5227	20 519 EAA	120 000.00	28 000 000.00	4
8	GAZ-5227	20 521 EAA	120 000.00	28 000 000.00	4
9	DAMAS	25 462 RAA	30 000.00	10 000 000.00	1
10	DAMAS	25 465 RAA	30 000.00	10 000 000.00	1
11	DAMAS	25 463 RAA	30 000.00	10 000 000.00	1
12	PAZ-32053	20 989 EAA	180 000.00	33 000 000.00	6
13	OTAYOL-M-2321	20 988 CAA	180 000.00	33 000 000.00	6
14	GAZ-53 12 39 66	25 106 DAA	210 000.00	37 000 000.00	7
15	GAZEL-3221314	20 971 CAA	90 000.00	22 000 000.00	3
16	GAZEL-3221314	25 105 CAA	90 000.00	22 000 000.00	3
17	GAZEL-3221314	20 998 CAA	90 000.00	22 000 000.00	3
	<b>ЖАМИ:</b>		<b>2 070 000.00</b>	<b>432 000 000.00</b>	<b>69</b>

Шартноманинг умумий суғурта мукофоти 2 070 000,00 (Икки миллион етмиш минг) сўм 00 тийин ташкил этади

Компания:

“Ўзбекинвест” ЭИСК АЖ  
Сирдарё вилоят филиали  
Манзил: Гулистон шаҳар  
Хондамир кўчаси 43-уй  
Тел.: 67 236-01-03  
Х/р 2021 6000 1043 4838 7001  
Банк коди 00363, СТИР 204420442  
Компания номидан:



м.у.

Суғурта қилдирувчи:

*Миллэт Бобил ИСБ*  
Манзил *Зарифер тўман бўстон ш.*  
Тел: *0-372-512-44-04*  
х/р *13402000300100001010*  
*ш.в/р. 100010860082207042402170003*  
МФО *00014* ИНН *302580489*

Суғурта қилдирувчи номидан:



м.у.





### O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI SUG'URTA BOZORINI RIVOJLANTIRISH AGENTLIGI

Sug'urtalovchilarni va sug'urta brokerlarining  
sug'urta faoliyatini amalga oshirish uchun

## LITSENZIYA

Seriya SF \_\_\_\_\_ 00006 \_\_\_\_\_-son

O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi Sug'urta bozorini rivojlantirish agentligining 20.10.2011 yilning 11 dekabr kuni 8-SF -sonli buyrug'iga asosan mazkur litsenziya "O'zbekinvest" eksport-import sug'urta kompaniyasi" aksiyadorlik jamiyatiga

(shaxsning egasining to'liq nomi)

umumiy sug'urta sohasida quyidagi klasslar:

- 1-klass – Baxtsiz hodisalaridan ehtiyot shart sug'urta qilish;
- 2-klass – Kasallikdan ehtiyot shart sug'urta qilish;
- 3-klass – Yer usti transport vositalarini sug'urta qilish;
- 4-klass – Harakatlanadigan temir yo'l tarkibini sug'urta qilish;
- 5-klass – Aviatsiya sug'urtasi;
- 6-klass – Dengiz sug'urtasi;
- 7-klass – Yo'lidagi mol-mulkni sug'urta qilish;
- 8-klass – Mol-mulkni o'ldandan va tabiiy ofatlardan sug'urta qilish;
- 9-klass – Mol-mulkni zarardan sug'urta qilish;
- 10-klass – Avtofuqarolik javobgarligini sug'urta qilish;
- 11-klass – Aviatsiya sug'urtasi doirasidagi javobgarlikni sug'urta qilish;
- 12-klass – Dengiz sug'urtasi doirasida javobgarlikni sug'urta qilish;
- 13-klass – Umumiy fuqarolik javobgarligini sug'urta qilish;
- 14-klass – Kreditlarni sug'urta qilish;
- 15-klass – Kafili (kafoliatlarni) sug'urta qilish;
- 16-klass – Boshqa moliyaviy tavakkalchiliklardan sug'urta qilish;
- 17-klass – Huquqiy himoya qilish bilan bog'liq xarajatlarni sug'urta qilish

bo'yicha ixtiyoriy va majburiy sug'urtani \_\_\_\_\_ amalga oshirishga ruxsat beriladi.

Litsenziya egasining manzili (pochta manzili): O'zbekiston Respublikasi, 100113, Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Cho'pon ota ko'chasi, 6-uy

Litsenziya egasining soliq to'lovchi sifatida identifikatsiya raqami: 201222058

Litsenziya berilgan sana: 20.10.2011 yil 11 dekabr

Rejestr bo'yicha tarbiya raqami: 00006

Mas'ul shaxs: K. Talipov

(T.I.S.K.)

M.O'

№ 00006



### Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyekti)ni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yegana davlat reyestriga  
"O'ZBEKINVEST EKSPORT-IMPORT SUG'URTA KOMPANIYASI" Aksiyadorlik jamiyati Sug'urta tashkiloti

(Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyekti)ning tashkiliy-huquqiy shahidi ko'rsatilgan holatdagi to'liq nomi)

"O'ZBEKINVEST EKSPORT-IMPORT SUG'URTA KOMPANIYASI" AJ ST

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkiliy etish (qayta tashkiliy etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

10.03.1997

386-K

(Sana, oy (heft bilan), yil)

ro'yxat raqamini yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

Solliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR): 201222058

Tashkiliy-huquqiy shahidi:

Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, CHO'PON OTA KO'CHASI 6-UY,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI  
tomondan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organining to'liq nomi)